



ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

**АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ**

**МАХСУС СОН**

**ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

**JOURNAL OF AGRO PROCESSING**

**SPECIAL ISSUE**



**ТОШКЕНТ-2020**

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1. Сайдалиева Гўзал</b> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР.....	6
<b>2. Муллоджанова Гулноза, Қаландаров Мухриддин, Ҳамдамова Динора, Исакулов Акмал</b> МАВЗУЛИ ХАРИТАЛАРНИ ЯРАТИШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	12
<b>3. Ташбаева Хулкаррой</b> ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ.....	17
<b>4. Zulfizar Amanova, Sa'dullayev Azamat, Avezov Oybek</b> WATER-SAVING TECHNOLOGY DEVELOPED BY "GIDROGEL" FOR IRRIGATION OF WINTER CEREALS.....	22
<b>5. Qodirov Zayniddin, Sa'dullayev Azamat, Qodirova Rayhon</b> G'OZANI SUG'ORISHDA SUV TEJAMKOR SUG'ORISH TEKNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGINI ILMIY ASOSLASH.....	26
<b>6. Сафарова Ҳилола, Саъдуллаев Азамат, Джўраев Шарофиддин</b> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУФОРИШДА СУВ ТЕЖАМКОР УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	30
<b>7. Амонова Зулфизар, Саъдуллаев Азамат, Фозилов Шахзод</b> КУЧЛИ ШИШУВЧАН "ГИДРОГЕЛЬ"НИ ҚЎЛЛАБ ЯРАТИЛГАН СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	35
<b>8. Сафарова Ҳ.Х., Саъдуллаев А.Н., Чорикулов Ш.</b> ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ.....	39
<b>9. Ходжаева Гуля, Эшбоев Наврўз</b> МЕЛИРАТИВ КОЛЛЕКТОРЛАР СУВ САРФИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ.....	43
<b>10. Khojiev Aliakbar, Khojieva Shakhnoza</b> OPTIMAL SOLUTION LEACHING RATES WITH A DEFICIT OF IRRIGATION WATER.....	50
<b>11. Ўткир Исломов, Уразбаев Ильхом, Азизов Шохрур</b> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ (Самарқанд вилояти мисолида).....	57
<b>12. Sanoyev X.A., Qodirov Z.Z.</b> QISHLOQ XO'JALIGIDA TOMCHILATIB SUG'ORISH TEKNOLOGIYASINI QO'LLASHNING AFZALLIKLARI.....	63

---

# АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

---

**Сайдалиева Гўзал Абдурашидовна**

Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институту мустақил тадқиқотчи  
g.saydaliyeva@tiiame.uz

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

*For citation: Сайдалиева Гўзал Абдурашидовна. Қишлоқ хўжалиги ерларидан  
фойдаланишдаги мавжуд муаммолар ва ечимлар*

*Impact of sulphurous on photosynthetic and symbiotic activity of soybean. Journal of  
Agro processing. 2020, Special issue, pp.6-11*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2020-SI-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада республикамиз қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда амалиётда мавжуд муаммолар уларнинг аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек ер ресурсларидан самарали фойдаланишда ердан фойдаланувчи субъектларни рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар.** Ер ресурсларидан фойдаланиш, тупроқ емирилиши, ресурслардан самарали фойдаланиш, иқтисодий ҳудудлар, Миллий ҳисобот, экологик самарадорлик, суғориладиган ер майдонлари, иқтисодий рағбатлантириш, автоматлашган ер маълумотлар тизими.

---

**Сайдалиева Гузал Абдурашидовна**

Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства  
базовый докторант  
g.saydaliyeva@tiiame.uz

## СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В ИСПОЛЬЗОВАНИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ

**АННОТАЦИЯ**

В статье говорится о проблемах имеющихся на практике при рациональном использовании земельных ресурсов в сельском хозяйстве и указаны их значение. А также приведены предложение и рекомендации, но вознапраждения субъектов землепользования за рациональное использование земельных ресурсов.

**Ключевые слова.** Использование земельных ресурсов, эрозия почвы, эффективное использование ресурсов, экономические зоны, национальный доклад, экологическая эффективность, орошаемая земля, экономические стимулы, автоматизированная земельная информационная система.

---

**Saydaliyeva Guzal Abdurashidovna**  
Tashkent Institute of Irrigation and  
Agricultural Mechanization Engineer  
PhD student  
g.saydaliyeva@tiame.uz

**EXISTING PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE USE OF  
AGRICULTURAL LAND****ABSTRACT**

This article is tell us about problems and solutoin of our republics significant and benigicial usage of the country economy on the earth.

**Key words.** Land resuors use, earth erosive, resuors fruitful using, economic territories, national account, ecological result, irrigate land arena, economical stimulate, avtomatize land information system.

---

**Б**изга маълумки республикамизда аграр иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида самарали уйғунлашувни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу масалаларни ҳал этилиши натижасида аҳоли ва саноат тармоқларининг вужудга келаётган эҳтиёжларини таъминлай оладиган экологик жиҳатдан сифатли ва ишончли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги "Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 483-сонли қарори ер ресурсларидан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш асосларини яратиб берди[1]. Президентимиз Фармонида келтирилганидек, амалиётда ер давлатнинг муҳим табиий ресурси бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун алоҳида аҳамият қаратиш керак. Ушбу мақсаддаги ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Бугунги кунда ер ресурсларидан илмий-услубий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилган режалар бўйича фойдаланиш масалалари долзарб муаммолар қаторига кирмоқда. Аммо, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қимматбаҳо ерларда тупроқ емирилиши давом этаётгани кузатилмоқда. Жумладан,

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширишда экинларни оптимал жойлаштириш республикада, иқтисодий ҳудудлар ва алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг географик нуқтаи назаридан ёки мамлакат бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Аммо жамиятда ер ресурсларидан фойдаланишда муаммолар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда экологик самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, суғориладиган ерларда моддий ва молиявий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботда келтирилишича, республика бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер турлари 2018 йилда 15543,7 минг гектарни, шундан 3702,4 минг гектарни суғориладиган ер майдонлари ташкил этади. Бу ўз навбатида республиканинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 45,1 фоизини ташкил этади.

Бу ҳолат 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 15483,4 минг гектарни, шундан 3708,8 минг гектарни суғориладиган қимматбаҳо ер турлари ташкил қилган. Республиканинг 44,9 фоизини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил этади. Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2017 йилга таққосланганда 2018 йилда республикада қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер турлари 6,4 гектарга камайиши кузатилган[2].

Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш муаммолари бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликни оширишдаги муҳим омиллардан бири бўлиб, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишга бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Шу боисдан ҳам, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экин майдонлари ва сув сарфи ва уларнинг миқдорлари ҳисобидан мўлжалланган экин турлари ҳосилини олишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган муаммолардан ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш йўналишлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларининг айниқса суғориладиган ерларнинг муҳофаза этилиши, улардан фақат қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишни таъминлаш бугунги ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилувчи давлат органларининг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бундай ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисида НИЗОМнинг тегишли бандларида республикамизда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фермер, деҳқон хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишининг олдини олишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суиистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги устидан;

- ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларини муомаладан чиқарилишига йўл қўйилмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан ерлардан самарали фойдаланиши, тупроқ унумдорлиги сақланиши ва оширилиши таъминланиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тупроқ сифатини аниқлаш (бонитировка) натижаларини, бузилган ерларни рекультивация қилишни, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг тўғри юритилиши ва давлат ер кадастрини юритиш қоидаларига риоя қилиниши устидан;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ва зараркунандаларга қарши қўлланиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларни норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши, сақланиши, реализация қилиниши ва мақсадли қўлланилиши устидан;

- ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш устидан;

- ердан мақсадсиз фойдаланилиши, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келган бошқа ҳаракатларнинг содир этилиши, шунингдек, таназулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартиби бузилиши устидан назорат ишлари олиб борилмоқда.

Инспекция фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб борувчи органлар билан биргаликда ер муносабатларини тартибга солиш ҳамда ерлардан нооқилона фойдаланилишининг ўз вақтида олдини олишга қаратилган тизимли ишларни мунтазам ташкил этади, тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боради[3].

Юқоридаги келтирилган бандларда ер ресурсларидан самарали фойдаланишда юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратишда ҳар томонлама ҳуқуқий-қонуний ва экин турларини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларга ер ажратишда тўғри ва оқилона йўл тутиш республикамиздаги унумдор ерларни асраб қолган бўламиз. Қимматбаҳо суғориладиган ер турларини асраш, уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун аниқ белгиланган мақсадлар бўйича экин турларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, республикамизда фермер хўжаликларига қўйидаги рағбатлантиришлар асосида кўриб чиқишимиз мумкин:

#### I. Иқтисодий механизмлар:

- давлат томонидан берилётган ер ипотекаси кредитларидан қишлоқ хўжалиги ерларидан кенг миқёсда фойдаланиш;

- ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш; бунга мисол тариқасида ер ресурсларидан самарали фойдаланишда аввало қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган техникалар харид қилиш учун тижорат банклари томонидан белгиланган имтиёзли кредитларни навбатсиз олиши мумкин. Шунингдек, қишлоқ жойларида қурилатган намунавий уй-жойлардан бирини харид қилиш имкониятларига эга бўлади.

- мавжуд бўлган суғориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва унумдорлигини ошириш.

#### II. Ташкилий механизмлар:

- ердан фойдаланувчиларнинг зарур ўлчамларини яратиш; Мисол учун ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажарилади ва ҳудудларда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади[4]. Ер участкаси ва ердан фойдаланишда чегара белгиларини ўрнатиш ва уларни тиклашни амалга ошириш Республика ер баланси, миллий ер ҳисоботи ва ер фондига оид барча ҳужжатлар (маълумотлар)ни сифатини ҳам оширишга хизмат қилади[5].

- унумдор ер участкалари ўртасида жойлашган ноқишлоқ хўжалик ер турлари бўйича ердан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган топшириқларни бажарилмаслигини олдини олиш;

- умумий тарзда ер тузиш, ер ресурсларидан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ерларнинг ҳолатини назорат қилиш, яъни уларни мунтазам кузатиб ер мониторинги олиб бориш;

- ҳозирги кунда замон талаб даражасида бўлаётган автоматлашган ер маълумотлар тизимини яратиш, уни юритиш ва такомиллаштириш;

- республикада барча ердан фойдаланувчилар ва ер эгаларини ердан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи юридик ҳужжатлар билан таъминлаш;

### III. Экологик механизмлар:

- ернинг ифлосланиши ва таназзулга учрашидан муҳофазаланувчи тадбирларни йиллар давомида амалга ошириб бориш;

- унумдорлиги паст бўлган ерларни консервациялашнинг амалда бажарилишига эътибор қаратиш;

- мавжуд бўлган суғориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва унумдорлигини ошириш;

- суғориладиган ерларнинг ҳолатини бузилиши, чўлланиши, эрозияга учраши, шўрланиш, тупроқ унумдор қатламининг ночор ҳолатга келиши гумус ва озиқа моддаларнинг камайиши, ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларининг зичланиши, уларнинг технологик жиҳатдан ифлосланиш жараёнларининг олдини олишга йўналтирилган умумий масалаларини мунтазам равишда ҳал этиб бориш каби энг зарур муаммоларни ечимини топиш лозим бўлмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишда алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш масаласи иқтисодий самарадорликни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ер ресурсларининг ҳолатининг бузилишини олдини олишда ва самарадорликка эришишда аниқ натижаларни белгилаб беради. Бундан ташқари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳозирги куннинг замон талаби бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 31 майдаги "Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони "Халқ сўзи" газетаси 2017 йил 2 июнь №102. (6803)-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. "Давергеодезкадастр" қўмитаси. Т. 2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Тошкент. "Адолат" 2018 й. 29-бет.
4. Ер участкасида сенсорли чегара белгиларини ўрнатиш - ер назоратида кафолатловчи омил Қ.Р. Раҳмонов. "Irrigatsiya va melioratsiya" jurnali №2(16).2019 й. 58-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисида НИЗОМ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-ИЛОВА
6. Ziyonet
7. [https:// www.ygk.uz](https://www.ygk.uz).
8. [www.kadastr.uz](http://www.kadastr.uz)